

Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича

ШАРТНОМА № 82

ЛОТ№ 22110012179249

2022 йил 18 ноябр

Жиззах шаҳри

Ўзбекистон Республикаси “ЎЗСУВТАЪМИНОТИ” АЖ “Сув таъминоти ва оқава сув объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” УК Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси келгуси ўринларда “Буюртмачи” деб аталиб ҳамда 2022 йил 5 январдаги № 4-сонли ишончномага асосан иш юритувчи номидан бошқарма бошлиғи **М.Каратаев**, бир томондан ва «Atlant Architektis group» МЧЖ (кейинги уринларда «Ижрочи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор **Ю.Суванова** иккинчи томондан, мазкур шартномани қуйидагилар хақида туздилар:

1. Шартнома предмети.

1.1. Мазкур шартнома бўйича Ижрочи Буюртмачининг топшириғида белгиланган шартларга мувофиқ "Ш.Рашидов тумани Халқобод МФЙ ҳудудида (Тўптолобод, Ёйилма, Янгиқишлоқ "Осиё" қишлоғи)га жами 19,5 км. тоза ичимлик суви билан таъминлаш." объекти бўйича амалдаги қонунчиликнинг ишларнинг шундай турига қўйиладиган талабларига жавоб берадиган ва фойдаланиш учун ярқли бўлган шаҳарсозлик хужжатларини (бундан кейинги матнларда “Лойиха” деб номланади) ишлаб чиқиш мажбуриятини, Буюртмачи эса техник топшириқ ва бирламчи маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиш ва тўлаш мажбуриятини зиммасига олади

1.2. Хизматлар курсатиш муддати:

Ишнинг бошланиши: **30 фоиз** аванс маблағи утказилгандан кейин;

Ишни якунлаш: _____ иш куни.

2. Шартнома бўйича ишлар қиймати ва ҳисоб-китоблар тартиби.

2.1. Мазкур шартнома бўйича ишлар қиймати ҚҚС билан **150 234 000 (бир юз эллик миллион икки юз ўттиз тўрт минг)** сўмни ташкил этади. Мазкур маблағлар тегишли вазирлик ва идоралар томонидан “Манзилли дастур” тасдиқланганидан сўнг молиялаштириб берилади.

2.2. Ишлар қиймати очиқдир. Ишлар қиймати “Шаҳарсозлик хужжатлари экспертизаси” ДУКнинг ҳулосасига кўра, лойиха қидирув ишларида белгиланганидан қамайганида тўланадиган маблағ тегишлича Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 19 августдаги 396-сонли буйруғига асосан Лойихага ҳақ тўлаш мазкур шартномага қўшимча битим тузиш йўли билан ўзгартирилиши мумкин.

2.3. Мазкур шартнома бўйича ишлар қийматини тўлаш буюртмачи тарафидан ижрочининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- мазкур шартнома имзолангандан кейин бир ой давомида ишлар қийматидан 30% олдиндан тўлов;

- кейинги тўловлар – босқичма-босқич, Лойихани қабул қилиш-топшириш юк хати имзолангандан сўнг 60 кун давомида, Лойихани асосланган рад этиш хати йўқ бўлган тақдирда.

2.4. Буюртмачи молия органи тарафидан молиялаштириш очилмаганлиги сабабли олдиндан тўловни ўтказиш мажбуриятини бажармаса, ижрочи қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

2.5. Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар тарафидан маблағ молиялаштирилмаган тақдирда «Буюртмачи» тулов учун мажбуриятни зиммасига олмайди.

2.6 АРТ, Давлат хизматлари, ЗВОС лойихаси, қидирув ишлари ва геология, РСВ, гидрогеология ҳулосаси, ДАҚН ҳисоботи, муаллифлик назорати, давлат ва экологик экспертиза ҳулосалари учун тўловлар “Ижрочи” тарафидан амалга оширилади.

3. Ишларни топшириш-қабул қилиш тартиби.

3.1. "Ш.Рашидов тумани Халқобод МФЙ ҳудудида (Тўптолобод, Ёйилма, Янгиқишлоқ "Осиё" қишлоғи)га жами 19,5 км. тоза ичимлик суви билан таъминлаш." объекти бўйича лойиҳалаш ишларини бошлаш санаси сифатида қуйидаги талабларни бажариш санаси ҳисобланади:

3.1.1. Лойиҳалашга топшириқни қонунчиликда ўрнатилган тартибда тасдиқлаш ва келишиб олиш;

3.1.2. Тасдиқланган лойиҳалашга топшириққа ҳамда лойиҳалаш ишларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларга мувофиқ буюртмачи лойиҳалаш учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тақдим қилиши;

3.1.3. Тарафлар мазкур шартномага қўшимча ёзма битим тузиш йўли билан юқоридаги талабларни бажариш учун кетадиган вақтга мутаносиб равишда лойиҳалаш ишларини бажариш календар муддатлари сурилиши мумкин.

3.2. Ишлар тугаллангандан сўнг ижрочи тайёр лойиҳани ёки унинг қисмини буюртмачига юк хати бўйича топширади, лойиҳалашга топшириқ ва мазкур шартнома шартларида кўзда тутилган лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим қилади.

3.3. Буюртмачи лойиҳани олгандан кейин қуйидагиларни амалга оширишга мажбур:

3.3.1. Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолагандан кейин 30 кун давомида лойиҳани олиш ёки олишни рад этиш ва ижрочига рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни юбориш;

3.3.2. Лойиҳани олишни рад этиш сабаблари кўрсатилган хат ижрочига юборилгандан сўнг икки тарафлама далолатнома ёки қўшимча ёзма битим тузилади. Қўшимча ёзма битимда лойиҳадаги камчиликларни бартараф этиш ишлари рўйхати ва уларни бажариш муддатлари кўрсатилади;

3.3.3. Буюртмачи лойиҳани олишдан бош тортса (Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаса), рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни ижрочига юбормаса, лойиҳа буюртмачига тақдим этилган вақтдан бошлаб унга топширилган ҳисобланади;

3.3.4. Агар буюртмачи лойиҳани текширмасдан қабул қилган бўлса, кейинчалик лойиҳада бирламчи ҳужжатлардан ва шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлигини аниқласа, бундай камчиликларни лойиҳани қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин ижрочини 10 кун муддатда ёзма равишда огоҳлантириши ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

4. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

4.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

4.1.1. Лойиҳани тайёрлаш учун зарур бўладиган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотларни ижрочига тақдим қилади;

4.1.2. Мазкур шартномада белгиланган миқдор ва тартибда ишлар қийматини ижрочига тўлаб беради;

4.1.3. Ижрочидан олинган лойиҳадан фақат мазкур шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланиши, лойиҳани учинчи шахсларга бермаслик ва ижрочининг розилигисиз ундаги маълумотларни ошкора қилмаслик;

4.1.4. Зарурат туғилганда лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқарорларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиш учун ижрочини жалб этиш;

4.1.5. Бирламчи маълумотларни ўзгартириш ёки ижрочига боғлиқ бўлмаган бошқа вазиятлар туфайли пайдо бўлган қўшимча харажатларни қоплаш (мазкур масала юзасидан тарафлар дастлаб ўзаро келишиб ва қўшимча битимни имзолашгандан сўнг);

4.1.6. Тайёр лойиҳанинг камчиликлари сабабли учинчи шахс тарафидан буюртмачига тақдим қилинган даъво бўйича жараёнда иштирок этиш учун ижрочини жалб қилиш.

4.2. Ижрочининг мажбуриятлари:

4.2.1. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун буюртмачи тарафидан тақдим қилинган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талабларга риоя этиш, уларга мувофиқ ва ўзи шахсан лойиҳалаш ишларини бажариши;

4.2.2. Буюртмачи тарафидан тақдим этилган ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлиги аниқланса, буюртмачини шу тўғрисида зудлик билан ўрнатилган тартибда огоҳлантириши, буюртмачидан кўрсатмалар олингунча ишни тўхтатиши, буюртмачини ўз вақтида огоҳлантирмаган ижрочи келгусида буюртмачи тарафидан даъво қилинганда ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлигини рўқач қилмаслиги керак;

4.2.3. Лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишишда буюртмачи билан биргаликда иштирок этиш;

4.2.4. Мазкур шартномада белгиланган муддатда сифатли, қурилиш меъёрлари ва қоидалари талаблари ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартибини белгилайдиган бошқа қонунчилик ҳужжатларига жавоб берадиган тайёр лойиҳани буюртмачига топшириш;

4.2.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

4.2.6. Ўз ҳисобидан муаллифлик назоратини олиб бориш.

4.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.3.1. Лойиҳадан фойдаланиш давомида унда камчиликлар борлиги аниқланса, ижрочидан қуйидагиларни талаб қилиш:

- ижрочи лойиҳадаги камчиликларни ўз ҳисобидан талаб қилинадиган муддатларда бартараф қилиш;

- шартномавий қийматни шунга мувофиқ миқдорда камайтириш;

- ижрочи лойиҳадаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этмаганлиги сабабли буюртмачининг пайдо бўлган молиявий зарарларини қоплаш;

- Лойиҳадаги камчиликлар жиддий ва уларни бартараф қилиш имконияти йўқ бўлса, буюртмачи шартномани бекор қилиши ва барча қўрилган молиявий зарарлар қопланишини ижрочидан талаб қилиш;

- «Ижрочи» ташкилотнинг айби билан лойиҳа ҳужжатларига қўшимча иш хажмлари киритилган ва харажатлар аниқланган тақдирда «Ўздавархитектқурилиш» қумитасининг 24.06.2008 йилдаги 50-сонли буйруғи билан тасдиқланган ШНК 1.03.01-08 нинг 1.13.-банди 3-хатбошисига асосан бажарувчига туланган сумма тулик Давлат бюджети фойдасига олиб қўйилади.

4.4. Ижрочи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.4.1. Буюртмачининг ёзма руҳсати билангина лойиҳалаштиришга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талаблардан чекиниш.

5. Тарафларнинг жавобгарлиги.

5.1. Тарафлар мазкур шартномада кўзда тутилган мажбуриятларини бажармаганлари учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади.

5.2. Лойиҳа буюртмачи тарафидан қабул қилингандан кейин ижрочи кафолатли муддат давомида (10 йил) лойиҳанинг дастлабки камчиликлари ва лойиҳадан фойдаланиш мобайнида аниқланган камчиликлари учун жавобгардир. Шунингдек, ушбу камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қилиши, агар камчиликларни бартараф қилиш имконияти бўлмаса, буюртмачининг зарарларини тўлаб бериши керак.

5.3. Ижрочи лойихадаги камчиликлар учун (ушбу камчиликлар аниқланган вақтга боғлиқ бўлмаган ҳолда) қуйидаги ҳолларда жавоб бермайди:

- Буюртмачи ижрочи билан келишиб олмасдан лойихалаш мобайнида лойихага қўйилган талаблардан чекинса ёхуд лойихалашга топшириқдаги бирламчи маълумотларни ўзгартирса.

5.4. Молия органи тарафидан молиялаштириш очилган бўлса ҳам буюртмачи лойихалаш ишларини ўз вақтида молиялаштирмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун ўтказилмаган тўлов суммасидан 0,4 % миқдориди пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида ўтказилмаган тўлов суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.5. Ижрочи лойихалаш ишларини ўз вақтида бажармаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун бажарилмаган ишлар суммасидан 0,5 % миқдориди пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида бажарилмаган ишлар суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.6. Пеня ва зарарларни тўлаш шартномани бузган тарафни шартномадаги мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.7. Тарафлар молиявий мажбуриятларни зиммаларига олмаслик шarti билан, биринчи тараф иккинчи тарафни 30 кун аввал ёзма равишда огоҳлантириб, мазкур шартномани муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

5.8. Шартнома муддатидан илгари бекор қилинган ҳолда, шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиққан тараф иккинчи тарафга мазкур шартнома бўйича ишлар қийматининг 10 % миқдориди жарима (неустойка) тўлайди.

6. Махфийлик.

6.1. Ҳар бир тарафнинг фаолияти ёки тарафлар билан боғлиқ шахснинг фаолияти тўғрисидаги ошқора қилинмайдиган барча маълумотлар махфийдир. Тарафлар бундай маълумотларни бошқа шахсларга ошқора қилмасликлари, мазкур шартномани бажариш билан боғлиқ мақсадлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланмасликлари керак.

7. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш.

7.1. Мазкур шартноманинг 10.1-бандида кўрсатилганидек, шартноманинг амал қилиш муддати тугаши билан тарафларнинг шартномадаги мажбуриятлари тугайди.

7.2. Тарафлар ўртасидаги ёзма келишувга асосан шартнома ўзгартирилиши ёки муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

7.3. Мазкур шартномага қўшимча битим тузилган ёки келишмовчилик баённомаси кўринишидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ҳамда тарафлар (ёки тарафлар номидан вакиллар) томонидан имзоланганидан кейин юридик кучга эга бўлади.

7.4. Қонунчиликда ёки мазкур шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам мазкур шартнома ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

7.5. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

8. Низоларни хал этиш.

8.1. Мазкур шартноманинг матнида ечимини топмаган масалалар бўйича тарафлар ўртасида пайдо бўлиши мумкин бўлган низолар ва турли талқинлар амалдаги қонунчилик асосида музокаралар ўтказиш йўли билан хал этилади.

8.2. Музокаралар ўтказиш йўли билан низолар хал этилмаса, ўрнатилган тартибда Жиззах туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

9. Форс-мажор.

9.1. Кўзда тутилмаган ва келиб чиқишини бартараф этиб бўлмайдиган фавқулодда хусусиятга эга форс-мажор вазиятлари пайдо бўлганда тарафлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун жавобгар эмасдирлар.

Фавқулодда вазиятлар сифатида қуйидагилар тушунилади: табиий талофатлар ёнғин, сув тошқини, шторм, уруш ва уруш ҳаракатлари, қамаллар, кўзғолонлар, саботаж

миллатчилик тусга эга ғалаёнлар, эмбарго, давлат органларининг таъқиқлашлари ва шартнома тузилганидан кейин пайдо бўлган тарафлар назоратидан ташқаридаги бошқа вазиятлар.

9.2. Форс-мажор вазиятлари пайдо бўлиши муносабати билан мазкур шартномадаги тарафлар мажбуриятлари бутунлай бажарилмаса ёки қисман бажарилса, мажбуриятларни бажариш муддатлари бундай вазиятлар таъсир этиши вақтига мутаносиб равишда узайтирилади.

10. Бошқа шартлар.

10.1. Мазкур шартнома Жиззах вилояти Ғазначилик бошқармасида руйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил «31» декабр гача амал қилади.

10.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди. Битта нусхаси буюртмачида, иккинчи нусхаси эса ижрочида сақланади.

11. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

БУЮРТМАЧИ:


Ўзбекистон Республикаси
“ЎЗСУВТАЪМИНОТИ” АЖ “Сув
таъминоти ва оқава сув объектларини қуриш
бўйича инжиниринг компанияси” УК
Жиззах вилояти худудий бошқармаси
Жиззах ш. Кимёгар маҳалла Тўқимачилар
кўчаси 2 уй. Тел./факс 222-82-41,
шҒҲ: 301821860084017063201110114
ИНН: 305978471 ОКЕД 42210
Жиззах вилоят Ғазначилик бошқармаси
ЯҒҲ 23402000300100001010
Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент
шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса
маркази (ХККМ)
МФО: 00014 ИНН: 201122919



М. Каратаев
(ФИШ)

ИЖРОЧИ:

«ATLANT ARCHITECTS GROUP»
МЧЖ
Жиззах ш. М.Улугбек маҳалласи
9 уй 4/5
Тел: 99872 - 224-23-03
Х/р: 2020 8000 5006 6156 1001
Банк: АТ Алока банк Жиззах
филиали
МФО: 00401 ИНН: 304288628
ОКОНХ71110



Суванова Ю.
(ФИШ)

ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА:

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикасининг “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тугрисида”ги Қонуни талаблари асосида тузилган. Хўжалик шартномаси шартлари, унда тарафларнинг жавобгарлиги ҳамда низоларни ҳал этиш тартиби амалдаги қонунчилик талабларига мос келади.

Хуқуқий экспертиза натижасига қура қуйдагилар аниқланди:

1. Шартнома Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари талабларига мувофиқ тузилган. Такдим этилган шартнома шартлари қонунчилик талабларига жавоб беради. Шартнома буйича юзага келган ҳар қандай ҳолат Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ҳамда “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тугрисида”ги Қонуни билан тартибга солинади.

2. Шартнома буйича тарафларнинг ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида юзага келадиган жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тугрисида”ги Қонунининг 24-34, 36-моддалари талабларига мос келади.

Бошқарма хуқуқшуноси

Д.Уралов